

Ўзбекистон Миллий кутубхонасида “Болаларга берайлик дунёни” деб номланган кўрғазма очилди

2017 йил 1 июнь куни Ўзбекистон Миллий кутубхонаси фойесида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган “Болаларга берайлик дунёни” деб номланган китоб-расмли кўрғазма очилди. Кўрғазмада болалар китоблари, фотосуратлар, эртақлар ва болалар кўшиқлари ёзилган грампластинкалар ҳамда эртақларга ишланган плакатлар тақдим этилган.



Ҳар йилнинг 1 июнь куни Халқаро болаларни ҳимоя қилиш нишонланади. Ушбу сана 1949 йили Парижда Халқаро аёллар демократик конфедерацияси конгрессида қабул қилинган бўлиб, 1950 йилдан нишонлана бошланган. Бу кун дунё бўйлаб болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, уларга нисбатан зўравонлик қилинишига қарши курашга бағишланган тадбирлар ўтказилади. Шунингдек, болалар учун байрам ва концертлар уюштирилади.



“Болаларга берайлик дунёни” деб номланган китоб-расмли кўргазма “Болаларга эътибор – келажак пойдевори”, “Бахтли ва эркин болалик шодиёнаси”, “Кулсанг, дунё кулар-кўнгиллар тўлар”, “Бола овозида ҳаёт кўшиги” деб номланган рукнлардан ташкил топган бўлиб, уларда фойдаланувчиларни дунё болаларининг ҳаёти билан таништирувчи китоблар, болалар учун ёзилган эртақ, ҳикоя ва шеърый китоблар ўрин олган.

Бу ерда тақдим этилган “Акл ва олтин”, “Соғлом авлод – бизнинг келажакимиз”, “Устозлар изидан”, “Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари”, “Инсон ҳуқуқлари”, “Баркамол авлод – келажакимиз таянчи” китоблар ўз тарбиявий аҳамиятга эга ҳикоялар ва ўғитлари билан ёш авлод тарбиясида тарбиячилар, мураббийлар, ўқитувчилар, қолаверса, ота-оналарга бола тарбиясида ёрдам берса, “Мен дунёни англайман” (“Я познаю мир”), “Эрудит энциклопедияси” (“Энциклопедия эрудита”), “Болалар энциклопедияси” (“Энциклопедия для детей”), “Нега шундай?” (“Почему так?”), “Нима? Қачон? Қаерда?” (“Что? Где? Когда?”), “Астрономия ва коинот” рукнидан болалар билимларини бойитувчи китоблар уларга дунёнинг, фаннинг сир-синоатлари ҳақида батафсил маълумотлар беради. “Менинг биринчи китобим”, “Кичкинтой кутубхонаси” сериясига мансуб эртақ ва саргузашт китоблар ёш китобхонларни мард, қувноқ ва саҳий қаҳрамонлар билан таништиради ва уларнинг саргузаштлари ҳақида ҳикоя қилади.